

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтақавий темир йўл узеллари,  
бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари,  
ташкilotлари ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-  
таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш  
УСЛУБИЁТИ

## І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Услубиёт “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) ва унинг минтақавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкilotлари ва таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – Тизим ташкilotлари)да коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган тартиб-таомиллар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган ички норматив ҳужжатлар бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш тартиби ҳамда стандартларини белгилайди.

2. Мазкур Услубиётда мониторинг деганда коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши самарадорлигини баҳолаш ҳамда Жамият ва унинг тизим ташкilotлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш мақсадида текшириш, назорат деганда танқидий ўрганиш кўринишида амалга оширилиши мумкин бўлган коррупцияга қарши курашиш тизими ҳолатининг таҳлили тушунилади.

3. Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

4. Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларининг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш (кейинги ўринларда – мониторинг ва назорат) Жамият ва тизим ташкilotларининг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалар томонидан амалга оширилади.

5. Мониторинг ва назоратнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

Жамият ва унинг тизим ташкilotлари фаолиятининг коррупцияга қарши қабул қилинган талабларга мувофиқлигини текшириш;

коррупцияга оид ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва коррупцияга қарши тадбиқ этилган тартиб-таомилларнинг самарадорлигини ошириш ва баҳолаш;

камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали Жамиятнинг коррупцияга қарши комплаенс тизимини такомиллаштириш;

Жамиятнинг коррупцияга қарши ички норматив ҳужжатлари ва тартиб таомилларига риоя қилинишини таҳлил қилиш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятида коррупция хавф-хатарлар индикаторларини аниқлаш;

манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш;

Жамиятнинг коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бошқа тартиб-таомилларининг бажарилмаганлигини аниқлаш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида аввалги ўтказилган мониторинг натижалари ва коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари, хизмат текширувлари, ички аудит текширувлари, бошқа назорат чоралари ва улар доирасида тақдим этилган тавсияларга риоя қилиниши, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш режасида тасдиқланган бошқа тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилиш;

6. Ушбу Услубиёт мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**контрагент (шартномавий шерик)** – Жамият ва унинг тизим ташкилотлари билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулквий ҳуқуқлар, мулквий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупцияга қарши тизим** – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва ҳуқуқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

**релевант хабар** – Жамият ва унинг тизим ташкилотларидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган ахборот;

**ходим** – Жамият ёки унинг тизим ташкилотлари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс.

## **II. Мониторинг ва назорат ўтказиш йўналишлари ва тадбирлари**

7. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича коррупцияга қарши мониторинг ўтказилади:

идоравий коррупцияга қарши тизим тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги;

оммавий ахборот воситаларида Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг ёки унинг контрагентларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги;

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги.

8. Жамият ва унинг тизим ташкилотларидаги коррупцияга қарши тизимнинг назорати қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

коррупцияга қарши Дастурлар, Йўл хариталари ижроси устидан назорат; коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат.

## **III. Идоравий коррупцияга қарши тизим мониторингини ўтказиш тартиби**

9. Идоравий коррупцияга қарши курашиш тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашга оид қонунчилиги ва бошқа коррупцияга оид талабларни (масалан, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг кўрсатмалари, халқаро ва чет эл ташкилотлари тавсиялари) кузатиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Бунда, зарурат туғилганда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси мониторинг яқунлари бўйича Жамият ва унинг тизим ташкилотларидаги коррупцияга қарши тизимини такомиллаштириш, ички идоравий ҳужжатларни ўзгартириш ёки янги ҳужжатлар, чора-тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбарига киритади.

10. Оммавий ахборот воситаларида Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг коррупциявий ҳатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборот мавжудлиги мониторинги, ташкилот ахборот хизмати томонидан доимий равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларни кузатиш орқали амалга оширилади.

Мониторинг натижасида ходимга алоқадор релевант хабар аниқланганда Жамият ва унинг тизим ташкилотларидаги ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда ҳаракат қилинади.

11. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг асосий коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан ярим йилда бир марта амалга оширилади.

Ходимларнинг хабардорлиги мазкур Услугага 1-иловада келтирилган ходимларининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини текшириш тизимига мувофиқ ўтказилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

танлов асосда Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг текширувда иштирокини аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг минимал сони Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг турли тузилмаларидан турли лавозимларни эгаллаган 6 киши);

коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва Жамият ва унинг тизим ташкилотлари талабларига мувофиқ саволлар рўйхатини тузиш (вазиятли топшириқлар - кейсларни ечиш билан) саволларнинг минимал сони 10 та, тест, очиқ саволлар ёки бошқа шаклда тузилиши мумкин);

жавоб/ечимларни тақдим қилиш учун танланган ходимларга назорат саволларини юбориш;

натижаларни таҳлил қилиш ва коррупцияга қарши курашиш талаблари ва тартиб-таомилларини тушуниш ва уларга риоя қилишдаги қийинчиликларни ходимлар билан муҳокама қилиш.

12. Ўтказилган мониторинг ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборот 2-иловага мувофиқ шаклда журналга киритилади.

#### **IV. Ташкилотдаги коррупцияга қарши тизимнинг назоратини амалга ошириш**

13. Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши Дастурлар, Йўл хариталари ижроси устидан назорат коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ ҳисобот тузиш давомида амалга оширилади.

14. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат Жамият ва унинг тизим ташкилотларидаги коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил қиладиган функция, тартиб-таомиллар, коррупцияга қарши курашиш мақсадида коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган муносабатларга нисбатан Жамиятда жорий этиладиган ва амалга ошириладиган чора-тадбирларга нисбатан амалга оширилади.

15. Жамият ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-

таомилларга риоя этилиши устидан назорат периметрига қуйидаги хавфли жараёнлар киритилиши мумкин:

харидлар бўйича фаолият;

совғалар, хизмат сафарлари харажатлари;

фаолияти назорат қилинувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик;

молиявий маблағларни сарфланиши;

персонални бошқариш (кадрларни танлаш, тайинлаш, лавозимини хизмат) ошириш, мукофотлаш ва бошқа кўринишдаги рағбатлантириш).

16. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат олиб бориладиган фаолият жараёнларининг кўрсатилган рўйхати ҳар йили коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига кўра Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан кўриб чиқилади ва агар лозим бўлса, коррупция нуқтаи назаридан хавфли бўлган ёки Жамият ва унинг тизим ташкилотлари учун долзарб бўлмаган жараёнлар нуқтаи-назаридан, Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбарлари ва Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг тегишли бўлимлари билан келишилган ҳолда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали тузатиш киритилади.

17. Бир ёки бир нечта хавфли жараёнларга нисбатан коррупцияга қарши назорат даврий оралиқда, лекин Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши мониторинг ва назорат режасига мувофиқ ҳар чорақда камида 1 (бир) марта амалга оширилади.

18. Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси икки календарь йилга мўлжаллаб Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан жорий йилнинг 15 январига қадар шакллантирилади ва ушбу Услугада кўрсатилган (15 ва 16-бандлар) Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг барча жараёнларини, текшириладиган даври ва текширув муддатларини ўз ичига олиши керак.

Шу билан бирга, тегишли чорақда текширилиши керак бўлган хавф-хатар жараёнларининг кетма-кетлиги ва тақсимланиш жараёни Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ички идоравий ҳужжатида кўрсатилган, меҳнат ресурслари билан таъминлаган ҳолда қонунбузарликлар тўғрисида хабар бериш каналлари ёки бошқа усуллар орқали, раҳбариятдан олинган жорий кўрсатмаларга кўра Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан белгиланган тартибда хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича жараёнларнинг қолдиқ хавф даражасига қараб амалга оширилади.

19. Тайёрланган Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат режаси 31 январга қадар Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбари томонидан тасдиқланиши керак.

20. Жамият ва унинг тизим ташкилотларида режадан ташқари Коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат чоралари қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

агар Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбарининг тегишли буйруғи мавжуд бўлса;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларида ўтказилган бошқа текширувлар (шу жумладан расмий текширувлар, ички аудиторлик текширувлари ва бошқалар) давомида коррупция хатарлари аниқланганда;

Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг алоқа каналлари орқали тегишли хабар олинган тақдирда.

21. Назорат тадбирлари текширув шаклида ўтказилиб, шу жумладан, коррупциявий ҳаракатларнинг индикаторларини аниқлашга қаратилган бўлиши керак, улар доирасида қуйидаги тартиб-таомиллар ҳам амалга оширилиши мумкин:

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари томонидан тузилган шартномалар маълумотларини товарларни қабул қилиш ва топшириш ҳужжатлари ёки хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш ҳужжатлари билан солиштириш;

товарларни ҳақиқий сотиб олиш ва улардан фойдаланиш ёки хизматлар кўрсатиш, ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни уларнинг миқдори ва сифати билан тегишли шартнома ва ҳужжатларда белгиланган тартибда солиштириш;

Контрагентни ёки Жамият ва унинг тизим ташкилотларида ишлашга номзодни текшириш натижаларига асосланган хулосада акс эттиришнинг тўлиқлигини, таҳлил қилиш учун тақдим этилган ва ахборот манбасининг мазмунини қайд қилувчи ҳужжатлар таркибидаги маълумотларнинг тўлиқлигини текшириш, шунингдек, контрагент ёки ишлашга номзоднинг шартномада кўрсатилган маълумотлари ва текширувдан ўтган шахснинг маълумотларининг мувофиқлигини текшириш;

контрагент ва Жамият ёки унинг тизим ташкилотлари, шу жумладан, мувофиқлаштирувчи шахслар томонидан шартнома бошқа маъмурий ҳужжатлар имзолувчиларининг ваколатлари мавжудлигини текшириш, тақдим этилган ҳужжатларни ваколатли шахсларнинг имзолари билан визуал равишда мослигини солиштириш;

контрагентнинг реквизитларини ва тегишли шартнома бўйича суммани бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштириш;

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари ёки контрагент ходимлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларида тузатиш, ўчириш, сохталаштириш белгилари йўқлигини текшириш;

қонун ҳужжатларига ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ талаб этиладиган оммавий ахборот манбаларида эълонларнинг мавжудлигини текшириш (рақобатлашув харид қилиш тартиб-таомилларининг эълон қилинганлиги тўғрисида маълумот ва бошқалар.);

пайдо бўлаётган масалалар бўйича қўшимча маълумот ва изоҳлар олиш учун Ташкилот ходимлари билан суҳбат.

22. Назорат тадбирлари якунида маълумотнома тузилади (кейинги ўринларда- Маълумотнома деб юритилади), у кириш, тавсифловчи ва якуний қисмларни ўз ичига олиши лозим ва уларда, одатда, қуйидагилар кўрсатилади:

Кириш қисмида: Ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар учун назоратнинг бошланиш ва тугалланиш саналари; назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомиллар рўйхати;

назорат ўтказилган вазифа ва тартиб-таомилларни бажаришга масъул бўлган бўлимлар ва шахслар рўйхати;

Ҳисоботни тузиш учун масъул ходимнинг ФИШ.

Тавсифловчи қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомиллар бўйича танлов амалга оширилиши усули ва танлаш ҳажми;

Жамият ва унинг тизим ташкилотлари коррупцияга қарши тизимнинг аниқланган қоидабузилишлари ва камчиликлари, шу жумладан, камчиликларнинг пайдо бўлиши ёки ривожланишига ҳисса қўшган сабаблар ва шароитлар.

Яқуний қисмида:

назорат ўтказилган ҳар бир вазифа ва тартиб-таомилларда коррупция хатарларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилган нормалари, Жамиятнинг ички ҳужжатлари кўрсатилган асосий қоидабузарликлар;

назорат ўтказиш вақтида аниқланган қоидабузарлик ёки камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар;

23. Маълумотномага киритилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳаволалар ва кўчирмалар нусхалари (иложи бўлса) илова қилиниши керак.

24. Маълумотнома Жамият ва унинг тизим ташкилотлари раҳбарига тақдим этилади ҳамда ўтказилган назорат тўғрисидаги маълумот 1-иловага мувофиқ шаклда Журналга киритилади.

## **V. Яқуний қоидалар**

25. Мониторинг ва назорат яқунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш дастурига киритилади.

26. Мониторинг ва назорат яқунлари бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни бажариш, амалга оширилган ишлар ҳақида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларига тегишли маълумотлар тақдим этилиши учун Жамият ва унинг тизим ташкилотларининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари шахсан жавобгардир.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтақавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиётига 1-илова

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг тизим ташкилотлари ходимларининг коррупцияга қарши тамойиллар ва талаблардан хабардорлигини  
ТЕКШИРИШ ТИЗИМИ**

| Т/р | Текширув йўналиши   | Текширув тадбирлари  |
|-----|---|--|
| 1.  | Ташкилот ходимларига одоб-ахлоқ қоидаларига, коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилиш масалалари бўйича тренинглар (онлайн, офлайн) ўтказилишининг мониторинги | Тренинглар мунтазамлиги, уларни мазмуни ва қатнашувчи шахслар қисми бўйича ички талабларга риоя қилинишини назорат қилиш   |
| 2.  | Коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва тартиб-таомиллар талабларини билишини текшириш   | <p>Ташкилот ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш тренинглари доирасида ўтказиладиган тест ёки бошқа назорат тадбирларидан ўтишлари натижаларининг таҳлили;</p> <p>Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат билан имзо қўйдирилган ҳолда мажбурий тарзда таништирилганлигини текшириш;</p> <p>Ходимларни коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларнинг билишини танлов асосида текшириш:</p> <p>а) текширувда қатнашиш учун Ташкилот ходимларини танлов асосида аниқлаш (сўровда қатнашадиган ходимларнинг энг кам сони – Ташкилотда турли таркибий бўлинмалардан турли лавозимларни эгаллаб турган кишилар сони – 6 нафар);</p> <p>б) ички ҳужжатларда кўрсатилган коррупцияга қарши талаблар ва нормалар бўйича (муайян вазиятда вазифа – кейсларни ҳал қилиш билан) саволлар рўйхатини тузиш (саволларнинг энг кам сони 10 та, улар тест форматада, очиқ саволлар шаклида ёки бошқача усулда тузилиши мумкин);</p> <p>в) жавоблар/қарорларни тақдим қилишлари учун танлаб олинган ходимларга назорат саволларини юбориш;</p> <p>г) натижаларни таҳлил қилиш ва ходимлар билан коррупцияга қарши талаблар ва тартибтаомилларни тушунишда қийинчиликларни муҳокама қилиш.</p> |

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг минтақавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмаларида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиётига 2-илова

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг тизим ташкилотларида  
коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш  
ЖУРНАЛИ**

| Т/р   | Мониторинг / тадбир тури   | Чора-тадбирларни мониторинг қилиш даврийлиги (ҳар чоракда/ҳар ярим йилда/ доимий) | Мониторинг / назоратни ўтказиш санаси | Кузатувни тафсилоти | Коррупцияга қарши курашиш тизимини тўғрилаш чоралари | Масъул ижрочи | Тўғриланадиган чора-тадбирларнинг ижро муддати | Ижро ҳолати |
|---|--|---|---------------------------------------|---------------------|--|---------------|--|-------------|
| <b>Коррупцияга қарши курашиш тизимининг етарлиликни баҳолаш</b> |  |   |                                       |                     |  |               |  |             |
| 1.  | Идоравий коррупцияга қарши тизим тизимининг актуаллиги ва унинг қонунчилик талаблари, шу жумладан, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги мониторинги | Доимий равишда  |                                       |                     |  |               |  |             |
| <b>Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш</b>        |  |   |                                       |                     |  |               |  |             |
| 2.  | ОАВ мониторинги  | Доимий равишда  |                                       |                     |  |               |  |             |
| 3.  | Ташкилот ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойил ва талаблардан хабардорлиги мониторинги  | Ҳар ярим йилда  |                                       |                     |  |               |  |             |
| 4.  | Коррупцияга қарши дастурлар, йўл хариталари ижроси устидан назорат   | Ҳар чоракда   |                                       |                     |  |               |  |             |
| 5.  | Ташкилотдаги коррупцияга қарши талаблар ва тартибтаомилларга риоя этилиши устидан назорат  | Ҳар чоракда   |                                       |                     |  |               |  |             |

